O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

ОДАМЛАР ҲАР ҚАНДАЙ РАҲБАРНИ БИРИНЧИ ГАЛДА УНИНГ ФАОЛИЯТИ, ИШИНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИГА ҚАРАБ БАҲОЛАЙДИ.

Ислом КАРИМОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛ, СЕШАНБА	№ 7 (159)	Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ДЕНОВЧАСИГА ТАРСАКИ

ҚУШБОСКИН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(кўчирма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Полвон-зода Абдусамат Абдуҳамидович - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши тўғрисида

АХБОРОТ

11 феврал куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши очилди.

Парламент сессиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпусининг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг муҳбирлари ҳозир бўлди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлиснинг 22 январда бўлиб ўтган биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Президент Ислом Каримов қилган маъруза юзасидан парламент қарор қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар парламент қўмиталари ва комиссияларини, уларнинг раисларини, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлашга киришди.

Кун тартибидаги ана шу масалалар юзасидан Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маъруза қилди. Қўмиталар ва комиссияларнинг раислари рўйхати, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисидаги қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Депутатлар шундан кейин сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракцияларини ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блокларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т.Даминов, "Ватан тараққиёти" партияси марказий сиёсий кенгашининг раиси А.Турсунов, "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгашининг раиси И.Гафуров, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясининг бош котиби Э.Норбўтаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий қўмитасининг котиби И.Кочмарик, ҳокимият вакиллик органлари депутатлари блоки раҳбари Қ.Обидов, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блоки раҳбари А.Саидов сўзга чиқди.

Депутатлар Олий Мажлис Кенгашини тузди, Кенгаш таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг уч ўринбосари, парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари, депутатлар фракциялари ва блоклари раҳбарлари кирди.

Қисқа танаффусдан сўнг Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги фармонини тасдиқлашга ўтди.

Бу масала юзасидан давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов нутқ сўзлади. У таклиф этилаётган ҳукуматнинг таркибий тузилишини, унинг шахсий таркибини муфассал баён этди. Мамлакатимиз Президенти ҳукумат фаолиятига баҳо берар экан, ижро этувчи ҳокимият салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир аъзосининг топширилган иш жабҳаси учун масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Депутатларга ҳукумат раҳбарияти ва аъзолари шахсан тақдим этилганидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги Фармонини тасдиқлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон тузган бир қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлади.

Биринчи сессия котибияти раҳбари Т.Файзуллаев Олий Мажлис сессиясининг номига депутатлардан, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари раҳбарларидан ва фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисида депутатларга ахборот берди. Ана шу мурожаатларнинг ҳаммаси кўриб чиқиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юборилади.

Парламент Конституциявий суд ва Олий суд судьялари таркибига ўзгартишлар киритди. Депутатлар Олий Мажлис 2000 йилда кўриб чиқиши керак бўлган қонун лойиҳаларининг рўйхатини асос учун қабул қилди. Ҳужжат бу борадаги ишларни давом эттириш учун парламент қўмиталари ва комиссияларига берилди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз ишини якунлади.

Танишув

ПОЛВОНЗОДА АБДУСАМАТ АБДУҲАМИДОВИЧ

Ўзбекистон Республикасининг янги тайинланган Адлия вазири Абдусамат Абдуҳамидович ПОЛВОНЗОДА 1949 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Миллати ўзбек. Ўрта мактабни тугатгач, меҳнат фаолиятини 1964 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани қурилишларида ишчиликдан бошлаган. 1966 йилдан Тошкент шаҳридаги «Ўзгипрокоммунинжпроект» институтида муҳандислик қилган. 1967-72 йилларда Тошкент Давлат Университетининг юридик факультетида билим олган, 1972-74 йилларда хизмат бурчини - ҳарбий хизматни ўтаган. Сўнг 2 йил мобайнида юридик факультет ёшларига сардорлик қилган. 1974 йилда Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига ишга ўтган, қатор масъул ва раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатган. 1988 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Судида маслаҳатчи, бош маслаҳатчи, Олий суд Раисининг ёрдамчиси лавозимларида ишлаган. 1990 йилдан бошлаб, 10 йил мобайнида Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келган.

А.А.Полвонзода 1994 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига сазовор бўлган. Ўзбекистонда шўролар даврининг сўнгги қатағонлари - Гдлян, Иванов ва бошқаларнинг «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби ўзбек халқи номига доғ туширувчи зўравонликлари оқибатларини тугатишда бош-қош бўлганлардан. У кўплаб ноҳақ қамалиб, жабрланганларнинг номини оқлашда шахсий ташаббуси билан фаолият кўрсатган. Мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўтказилишида алоҳида ўрни бор.

Таҳририятимиз ўзининг кўп сонли ўқувчилари номидан Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазири А.А.Полвонзодани унга билдирилган юксак ишонч билан табриклайди, қонун устуворлиги ва адолат тантанаси йўлида муваффақиятлар тилайди.

МАКТУБ

СИЗНИ ДОИМИЙ ҲАМРОҲ ҚИЛДИМ

Ҳурматли «Инсон ва қонун»! Аввало сизларни, газетангизнинг тўрт ёшдан ошганлиги билан чин дилдан табриклайман. Бугун ушбу газета эл оғзига тушган оммабоп нашрлардан бўлиб қолди. Мустақил юртимизда ҳуқуқий уйғониш даври билан ҳамоҳанг туғилган ушбу газета қисқа вақтда жамиятимизда ўз йўлини топди ва адолатсевар халқимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Мен газетангизни мунтазам ўқиб бораяпман. Ундаги ранг-баранглик сеҳри мени ўзига тортади. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдек ўта машаққатли, аммо шарафли бўлган вазифани газета муваффақиятли бажараяпти деса бўлади. Ўқувчилар томонидан ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар сўраб ёзилаётган мактубларнинг босилаётгани таҳсинга сазовор. Уларга берилаётган холисона жавоблар ҳам ҳақиқат кўзгусига ошуфта бўлган илинж дилларга умид бағишламоқда.

Энг муҳими, берилаётган мақолаларда олди-қочди гаплар эмас, балки одамлар фикрини тиниқлаштирадиган, қонунийликнинг устуворлиги беҳад фойдали бўлаётир. Биз улардан ижтимоий ҳаётимизда учрайдиган «касалликлар», жиноятлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида кўпроқ маълумотлар олаяпмиз. Тафаккуримизни кенгайтираяпмиз. Шу жумладан, ҳуқуқ ҳимоячиларининг оддий фуқарога бўлган муносабатларида ўзгаришлар сезилаётган, қонунийлик секинлик билан бўлса-да, одамлар онгига таъсир этаётганини ҳис этмоқдамиз.

Мустақил юртимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятга эришиш йўлида собитқадамлик кўрсатаётган газетангизга ва таҳририят ходимларига муваффақиятлар тилаб қоламан. Ҳамиша соғ бўлингизлар, бошларингиздан хурсандчилик, қалбларингиздан поклик асло аримасин!

Эҳтиром ила
Олимжон ҲАМЗАЕВ,
журналист,
Самарқанд вилояти Жомбой тумани Деҳқонобод қишлоғи

Мулоҳот

АҲИЛ ВА СЕРГАК ЯШАЙЛИК

Яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Ғулом Усмонов номли маҳалласида «Маҳалла тинчлиги - оила фаровонлиги» мавзуида анжуман ўтказилди. Тошкент шаҳри фаоллари билан бўлиб ўтган бу учрашувда Республика Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов томонидан айтилган сўзлар давра иштирокчилари ўртасида муҳокама қилинди.

- Ақидапараст, маънавий жиҳатдан қолоқ кимсаларга маҳалламизда ўрин йўқ, - деди маҳалла оқсоқоли Шорустам ака Шоусмонов. - Маълумки, маҳалламизда турли миллат вакилларидан иборат 620 та оилада 2150 киши истиқомат қилади. Аҳиллигимизни кўпгина меҳмонлар таъкидлашган. Энди сергак бўлайлик, ёмон ниятли киши орамизга кирмасин.

Участка нозири, милиция катта лейтенанти Фахриддин Тўқмирзаев, унинг ёрдамчиси, милиция лейтенанти Абдужамол Тошназаровларнинг маҳалла тинчлиги ва фаровонлигига оид сўзлари тингловчиларда қатта таассурот қолдирди.

Маҳалла аҳлининг, айниқса, милиция ёрдамчилари - маҳалла посбонларининг эътиборлари электр ва алоқа воситалари-кабелларнинг қирқиб кетилиши, рангли металларни йиғиш каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасидаги тадбирларга қаратилди.

Шаҳло САИДКАРИМОВА

Огоҳликка даъват

ФИКР ЧАРХЛАНИБ МУЖДА БЎЛАДИ

Ўтмишдан келаётган бир ҳақиқат бор: бўри олдига қараб чопа туриб, ортига ўгирилиб қарамайди. Чунки унинг бўйин умуртқа анатомиясида шундай хусусият мавжуд. Буни фан ҳам исботлаган. Одам боласи бўри эмас. Лекин барча мавжудотлар каби муайян бир мақсад йўлида, маълум манзилни кўзлаб, мудом олдга одимлайди. Фақат у ахён-ахён тўхтаб ортига разм солади: босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилади, бу эса унга олддаги довонлардан кечиш учун имкон беради. Зеро, ортимизда қолиб бораётган ҳар дақиқа, ҳар қадам тарихнинг мулки. Тарих эса сабоқ мактабидир.

Инсоннинг феъл-атворидаги яхши ва ёмон жиҳатларни ўрганадиган инсоншунослик илми табиат, жамият, инсон тафаккуридаги узвий ҳолат ва ҳодисаларни бир хил умумий қонуниятлар асосида тадқиқ этади. Қолаверса, муҳитнинг жараёнга ёки аксинча, жараённинг муҳитга таъсири катта. Дейлик, шинамгина бир ҳовуз қурдингиз. Балиқ сув билан кириб келади. Демакки, муҳит яратилса, жараён ўз-ўзидан бошланади.

Ҳар тонг уйқудан уйғониб мўъжазгина боғчамда сайр қиламан. Булбулнинг ширин нағмасини тинглаб тириклик нақадар тотли, ҳаёт қанчалар гўзал эканини англайман. Айтишларича, булбул шаффоф шабнам доналарини симириб ичаркан: шундан унинг овози тиниқ, наволари мафтункор! Аммо ҳамма жой ҳам чаман, ҳамма ҳам булбулнинг мухлиси эмас. Зотан, дунёнинг қай бир пучмоқларида, қуёшнинг нуридан бетоқат, зулматни қўмсаб шабпараклар яшаётганлигини, вайрона ва харобалар ҳисобига ўз мулкини кенгайтириш илинжида Бойўғли - Кулонкир Султонлар безовта умргузаронлик қилаётганлигини унутмоққа асло ҳаққимиз йўқ. Одам боласи бир-бирига дўст, биродар, деган шўравий ақида бугун эскирди. Ёнимиздаги одамнинг қандай куйни тинглаб, қалби кимнинг нағмасидан завқ олаётганига бефарқ бўлиш ҳам ножоиз. Ким булбулнинг, ким қузғуннинг мазҳабида эканини ажрата билиш «жаҳолатга қарши маърифат билан» жангга киришиш, Бобур Мирзо таъбирлари билан айтганда, «алар тош кўтариб чиксалар, биз бош кўтариб чиқишимиз» шу улуғвор юрт олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Улуғвор юрт! Юртбошимиз уни келажаги буюк дедилар. Бу бежиз эмас. Зотан, океаншунослар Тинч океанини Буюк уммон деб аташлари ҳам шундан. Демакки, тинчлик - Буюкликка асос! Диёримиздаги тинчлик, осойишталик, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги барқарорлик сабабини ахтариб узоқ кетишга ҳожат йўқ. Унинг жавобини ҳам шу жойдан олиб кўя қоламиз. Қайсики уммоннинг туби чуқур бўлса, юзаси тинч ва осойишта бўларкан. Буюк уммоннинг Тинч океани деб номланиши ҳам шундан аслида. Осойишталигимиз сабаби қадим маданият ворислари эканимиз, ildизларимиз тарихнинг чуқур-чуқур қабатларига сингиб кетганлигидандир!

Бобокалонимиз Амир Темурнинг «...Биз миллатларнинг энг қадими ва улуғи - Туркнинг бош бўғинимиз» деган сўзлари ҳам бунга ёрқин бир мисол бўлади.

Ҳа, тинчлик-буюкликка шаҳодат! Мустақил Ўзбекистон ана шу йўлдан одимлаяпти. Унинг ҳар қадами изланиш, ҳар одими кашфиёт. Ўтиб бораётган ҳар дам яратиш, бунёдкорлик ишқи билан кечмоқда. Шукуҳли карвон сафида довонлардан ошиш, янги-янги чўққиларни забт этиш осон кечмаяпти, аслида. Босиб ўтилган йўлнинг залвори руҳимизга чарчоқ, вужудимизга ҳорғинлик солгани ҳам рост. Бир зум тин олгимиз, бунёд этилган чаманлар атридан завқланганимиз, шундай юрт фарзанди эканимиздан фахрия битгимиз келади. Оний бепарволик, ноўрин масрурлик ҳисси - ғафлат ётоғига бошлайди. Ана шу лаҳзаларда маънавий бўшлиқ юзага келиб, унда ёт ғоялар урчийди. Натижада карвон ҳимоясиз, сорбон ҳимоячисига қолади. Шу пайт кутилмаганда, манфур кимсаларнинг ғараз ниятлари портлайди. Гумбурлаган садодан чўчиб уйғонамиз. Кўз олдимизда қопқора тутун. Онгимизда туманли бир савол:

- Омон қолдимикин бирор жон зоти?!.

Бир зум ўтиб, тутун тарқаб англаймизки, карвон бут, сорбон саломат! Яратганнинг ҳимоятида эканлар, шукур!

Замондош биродар! Мен сизга насиҳат қилиш фикридан йироқман. Шул мақсадда битмадим бу мактубни. Қолаверса, юқоридаги гаплар Сизга, уларга қанчалар тегишли бўлса, менга ҳам шунчалар таллуқлидир. Сизнинг ҳам шу борадаги даъватингизга муҳтожман. Зотан, гул чангланиб муғжа беради, фикр чархланиб мужда. Шу йўл билан ҳамфикрлар бир бўлади: ёт ғояларга ўрин қолмайди. Қилдек эшилиб арқон бўламиз ва юртбошимизнинг ҳушёрликка, огоҳликка чорлаб турган мангу даъвати атрофида бирлашамиз.

Фозил ТИЛОВАТОВ,
шоир

Ҳуқуқшунос илҳоми

АСРАЙЛИК

Одамлар, ҳар қачон огоҳ
бўлайлик,
Мустақил Ватанни асраб,
сақлайлик.
Юртбошимиз билан бир
тан, жон бўлиб,
Истиқлол нафридан баҳра
олайлик.

Азизлар, асрайлик
юртбошимизни,
Истиқбол мулкида,
йўлбошимизни.
Эркимиз яловин
қўлларда тутиб,
Асрлар асрайлик
ишончимизни.

Жаҳолат, албатта,
енгилар бунда,
Бизни кўролмаслар ер
бўлар бунда.
Кимки, ҳурриятга қасд
айласа гар,
Халқнинг ғазабидан кул
бўлар бунда.

Келажак авлоднинг
тақдири учун
Озодлик байроғин ҳур
тутмоқ учун.
Азизлар, асрайлик
юртбошимизни,
Қуёш ўлкамизга нур
тутмоқ учун!

Азизлар, асрайлик
юртбошимизни,
Истиқбол мулкида,
йўлбошчимизни.
Эркимиз яловин
қўлларда тутиб,
Асрлар асрайлик
ишончимизни.

Йўлдош СУЮНОВ

Жўяли таҳлиллар

СУД КОРПУСИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Ғайбулло РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

Демократлаштириш жараёнлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Юз бераётган тақдириломон тарихий ўзгаришлар сирасида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан, Президент И.Каримов ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлашда одил судловнинг демократик тамойилларини таъминлашга эришишни ботбот таъкидлаётганлари бежизга эмас. Чунки суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим ажралмас ва зарур вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, суд ислоҳотига кучли суд ҳокимияти ташкил этиш зарурати нуқтаи назардан қараб, уни қонунчилик ва ижроия органлари билан тенг равишда ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишларда амалга ошириш орқали қонуний мустаҳкамланиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Агар таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, суд ҳокимияти ўз ҳолати, давлат ва жамият ҳаётидаги роли жиҳатдан демократия ва қонунийликни таъминловчисидир. У нафақат учта ҳокимиятдан бири, балки ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари устидан қонунийлик назоратини ўзида уйғунлаштирган бўлиши керак.

Суд ҳокимиятининг асосий вазифаси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқаронинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини муҳофаза қилиш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти актларининг конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатлар ижро этилиши ва қўлланилишида қонунийликка, одилликка ва ҳаққонийликка риоя этилишини таъминлашда акс этади.

Шу боисдан суд-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ асосий эътибор суд корпусини мукаммаллаштириш ва унинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилиши лозим. Табиийки, барча соҳа ва жабҳаларда бўлгани каби суд тизими фаолиятининг самарадорлиги уни амалга оширувчи кадрлар билан боғлиқ. Бу судьялик лавозимларига мустақил равишда масалаларни ҳал этишга қодир кадрлар танланиши, тайёрланиши ва тайинланиши ҳамда уларнинг ваколат муддатлари билан боғланиб кетади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган Конституциявий суд, Республика Олий суди ва Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Хўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ва хўжалик судларидан иборат (Конституциянинг 107-моддаси). Асосий Қонун фавқулодда судлар тузилишини истисно этади. Суд ҳокимиятининг юқори бўғини мамлакат парламенти сессиясида сайлаш йўли билан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига кўра Олий Мажлис Конституциявий суд раиси ва аъзоларини, Олий хўжалик суди раиси ва аъзоларини сайлайди. Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Жўқорғи Кенгеси Раиси тақдими билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади. Вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Судьяларни танлаш ва тайёрлаш, шунингдек, улар номзодини тақдим қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси хулосаси асосида, хўжалик судларининг судьялари эса - Олий хўжалик суди Раиси тақдимномасига кўра Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида Адлия вазирлиги халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш бўйича ишларни ҳам ташкиллаштиради, судья кадрларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 257 та суд мавжуд бўлиб, улардан 215 таси туман ва шаҳар судлари, 14 таси вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар, 14 таси вилоят хўжалик судлари ва уларга тенглаштирилган судлар, 11 таси ҳарбий судлар, қолган учтаси Республика Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судидир. Бу судларда жами бўлиб, 949 нафар судья лавозими мавжуд.

Судьяларнинг сайланиши тамойили суд ҳокимиятини ташкил этишнинг демократик тартибини ифодалайди. Шунга эътиборан ва Ўзбекистон Конституциясида акс этган ҳокимиятлар бўлиниши тамойилидан келиб чиқиб, мамлакат суд тизимининг юқори бўғини сайланиши тартиби мустаҳкамланган. Бу тартиб парламент ва Президентга, яъни қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларига суд ҳокимиятини таркибий жиҳатдан шакллантирилишида бевосита қатнашиш имкониятини беради.

Таъкидлаганимиздек, қуйи суд судьялари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан тайинланади. Бунда судьялар ўз ваколатларини давлат бошлиғи - халқ томонидан сайланган Президентдан олади. Бу ҳолат халқнинг ваколатли вакили сифатида суд ҳокимияти вазифасини амалга ошириш имконини беради. Судья Ўзбекистон Республикаси номидан одил судловни амалга оширишга ваколат олади. Қолаверса, бундай тартиб орқали судьяларнинг эркинлиги ва мустақиллиги Президент томонидан кафолатланади. Улар маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа турли мансабдор шахслар таъсиридан холи бўлиш имконига эга бўлади. Қонун бирор бир поғонадан туриб суднинг касбий процессуал фаолиятига аралашувни тақиқлайди. «Суд ҳокимияти, - деб таъкидланади Конституциянинг 106-моддасида, - қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият кўрсатади».

Ўзбекистонда суд корпусини мукаммаллаштиришда унинг чинакам мустақил ҳокимият тарзида рўёбга чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббусини ва мунтазам эътиборларини қайд этиш жоиз. Улардан бири 1999 йил 19 июнда суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш Комиссиясининг ташкил этилишидир. Олий Мажлис кенгаши қарори билан ташкил этилган комиссия суд корпусини ташкил этишда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, суд-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жаҳон тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий амалиётда судларнинг ҳар хил усуллар билан шакллантирилиши учрайди. Масалан, АҚШнинг бир қатор штатларида судьялар фуқаролар томонидан тўппа-тўғри сайланади. Айни пайтда Американинг федерал судьлари Сенатнинг розилиги ва маслаҳати асосида мамлакат Президент томонидан тайинланади (АҚШ Конституциясининг 2-қисм 2-бўлим 11-моддаси).

Ёки 1946 йилда қабул қилинган ва ҳозир ҳам амалда бўлган Япония Конституциясининг 79-моддаси 2- ва 3-қисмларига биноан мамлакат Олий суди судьялари тайинлангандан кейин парламент вакиллар Палатасига биринчи умумий сайловлар ўтказишда масала қайта кўриб чиқилади ва ҳар 10 йилда вакиллар Палатасига сайлов ўтказиш даврида бу жараён такрорланади. Агар кўпчилик сайловчилар судьяларни ўзгартириш учун овоз берсалар, у истеъфога чиқиши лозим бўлади.

Аксари мамлакатларда, жумладан, МДҲ давлатларида судьялар Адлия вазири тақдимномасига кўра давлат бошлиғи томонидан тайинланади. Баъзида давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий тузуми характеридан келиб чиқилиб, судьяни тайинлаш танлов асосида (масалан, Греция, Бразилия), магистратура Олий кенгаши (Франция, Италия) ёки лорд-канцлер (Буюк Британия) тақдимномаси бўйича амалга оширилади. Судьялар ёхуд умрбод, аммо амалиётда маълум ёшга етгунга қадар (Буюк Британияда улар 72 ёшга, Японияда 65 ёшга тўлганларида истеъфога чиқишга мажбур) ёхуд белгиланган муддатга (одатда биринчи марта беш-ўн йил муддатга, иккинчи марта эса умрбод) лавозимга тайинланади. Латвия Республикасининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига биноан туман (шаҳар) судининг судьялари Адлия вазирининг тақдимномаси бўйича икки йилга Сейм томонидан тайинланади. Сўнгра эса ваколати чекланмаган муддатга Сейм томонидан мансабга тасдиқланади (61-модда). Латвия Олий судининг судьяси Олий суд Раисининг тақдимномаси бўйича ваколати чекланмаган муддатга Сейм томонидан мансабга тайинланади (62-модда). Туман (шаҳар) судьяси учун энг юқори ёш 65, округ судьялари учун ҳам 65, Олий суд судьялари учун эса 70 ёшни ташкил этади (63-модда).

Конституциявий аниқланган нормаларга кўра деярли барча МДҲ мамлакатларида судьялар мамлакат Президенти томонидан тайинланади. Хусусан, бундай қоида Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Болтиқ бўйи мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган.

Покистон ва Грециядa ҳам судьяларни мамлакат Президенти тайинлайди. Канада ва Австрияда судьялар Президент ёхуд Ҳукумат томонидан тайинланади. Монархия бошқаруви шаклидаги мамлакатларда (Бельгия, Буюк Британия, Дания, Испания, Норвегия, Нидерландия) судьялар давлат бошлиғи - монарх томонидан, Британия ҳамдўстлиги мамлакатларида - (Австралия, Янги Зеландия) ҳудуд генерал-губернатори томонидан тайинланади. Германия федерал судлари судьялари ГФР Президенти томонидан тайинланади. Айрим давлатларда судьялик мансабига тайинлаш Бош Вазирга берилган, баъзиларида эса Адлия вазири ваколатига киради. Масалан, Туркияда улар Судьялар Олий кенгаши Раиси ҳисобланган Адлия вазири томонидан тайинланади.

Судьяларни тайинлаш уларни сайлашга нисбатан кўпроқ учраши жиддий асосларга эга. Фуқаролар ва вакиллик органлари томонидан судьяларни сайлашда сиёсий фактор табиий равишда ўз таъсирини кўрсатиши кузатилган. Фуқаролар ёки депутатлар ўзлари сайлаётган судьянинг шахсий сифатларидан кўра сиёсий эътиқодига эътибор бериши аниқланган. Бу эса ўз навбатида суд ҳокимиятини сиёсийлашувига олиб келиш мумкин.

Айрим мамлакатларда судьяларни мансабга тайинлаш ёки сайлаш ёхуд лавозимдан озод этиш қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатига киради. Бошқаларида судларни бевосита аҳоли томонидан сайлаш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Украинада судьялар дастлабки беш йил муддатга Президент томонидан, кейинчалик эса Парламент томонидан умрбод тайинланади. Швейцарияда кантон судьялари аҳоли ёхуд кантонал кенгаш томонидан сайланади.

АҚШда судьялик лавозимини тўрт хил йўл билан эгаллаш амалиёти мавжуд: штат олий мансабдори, яъни губернатор томонидан, штат қонун чиқарувчи органи йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг тайинланади; мустақил комиссия томонидан тасдиқланган номзодлар орасидан танланиб олий мансабдор шахс губернатор томонидан тайинланади; умумхалқ томонидан сайланади; қонун чиқарувчи орган йиғилиши томонидан сайланади.

Таъкидлаш жоизки, аксари мамлакатларда Ўзбекистондаги каби олий инстанция судьялари Парламент томонидан сайланади, қуйи инстанция судлари эса мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

Давлат бошлиғи томонидан судьяларни тайинлашнинг конституциявий мустаҳкамланиши боиси шундаки, Президент умумхалқ томонидан сайланади ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш кафолатчиси сифатида майдонга чиқади. Демак, судьяларни Президент томонидан тайинланиши, яъни улар ўз ваколатларини давлат бошлиғидан олиши давлат номидан одил судловни амалга ошириш ҳуқуқини беради ҳамда судьяларни маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партиялар, турли тоифа мансабдор шахслардан мустақил фаолият юритишини, фақат қонунга бўйсуниб иш юритишини таъминлайди.

Божхонада нима гап?

ОҒУНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛГАН

Сурхондарё вилоят божхона бошқармасига қарашли 2-сон Сариосиё божхона маскани ҳар доим гавжум. Божхоначилар тиним нималигини билишмайди. Биров мамлакат ташқарисига, биров ичкарисига ошиқади.

Икки қўшни республика ҳудуди ўртасидан ўтадиган асосий йўл шу божхона масканига келиб туташиб кетади. Божхона мажмуаси жаҳон андозалари талаблари асосида бунёд этилган. Шинам ва кенг хоналар, кириш-чиқиш даҳлизлари ишлаб турибди. Чет элдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёру-биродар. Бу икки қардош халқни борди-келдисиз тасаввур қилиш қийин. Пок ниятли кишилар учун эшиклар кенг очиб қўйилган. Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек ўзларининг қора ниятлари йўлида елибюгураётган кимсаларнинг кети узилмаяпти. Шу боисдан енгил автомобиллар қатнови ҳозирча тўхтатиб қўйилган. Фақат ўрнатилган қатъий тартиб-талабларини бажарган пиёдалар ҳамда юк машиналари ўтказилмоқда.

Божхона хизмати капитани Кўзимурод Мингноров бошчилигида ишлаб, ҳурмат-эътибор қозонаётган йигит-қизлардан Гулчеҳра Абдукаримова, смена бошлиғи Фарҳод Раҳмоновларнинг ҳушёрлиги, жиноятни аниқлашнинг турли-туман усулларини пухта ўзлаштириб олганликлари ўз самарасини бермоқда. Улар бир неча ой ичида 16 кг. 048 грамм 700 миллиграмм героин, 738 килограмм 585 грамм опий, 70 килограмм 240 грамм гашиш, 1 килограмм марихуана, жами 825 килограмм 874 грамм 700 миллиграмм гиёҳванд моддаларини ҳар хил йўллар билан яширинча олиб ўтаётган кимсаларнинг «режасини» барбод этдилар.

Ўтган вақт мобайнида 2-маскан божхона хизматчилари томонидан тўхтатиб қолинган 22 ҳолатда жами 1 тонна 556 килограмм 182 грамм оғу нене ситам ва жафоларга сабабчи бўлишини кўз олдимизга келтирганимизда уларнинг бажараётган ишлари ғоят масъулиятли ва шарафли эканлигини қалбдан ҳис этамиз. Улар шаънига таҳсинлар айтамиз.

Маскан йигит-қизлари гиёҳванд моддалардан ташқари уларни олиб ўтишда восита сифатида фойдаланилган умумий қиймати 1,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам мусодара қилиб, давлат фойдасига топширишди.

- Мана бундай жирканч йўлга ёш болали аёлларнинг аралашиб қолаётгани ниҳоятда афсусланарли ҳолдир, - дейди биз билан суҳбатда маскан бошлиғи вазифасини бажараётган Кўзимурод Мингноров, - фуқароларимиз қўшни Тожикистонда бўларканлар, ўзларига таниш-нотаниш ўша ерлик фуқароларнинг жиноятқорона қутқу-алдовларига учмоқдалар. Қандайдир арзимас доллар учун қўлга тушиб молмулклари мусодара этилиб, узоқ муддатли жазога тортилмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, баъзи бировлар ноқонуний бирор нарсани яширинча олиб ўтишнинг минг хил йўлини кашф этишмасин, сурхондарёлик божхоначилар бир зумда топиб, сир-асрорларини фош қилишмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Суратда: (ўртада) 2-маскан божхона бошлиғи вазифасини бажараётган Қ.Мингноров нозирлардан Зулфия Расулова, Қаҳрамон Пардаев, Зиёдулло Қорақулов, Фарҳод Раҳмоновлар билан ўзаро мулоқотда.

Муаллиф олган сурат

Самарқанд томонларда

«НИГОҲ»ГА НИГОҲ ТАШЛАБ...

Нарпай туман судининг ҳуқуқий-маънавий газетаси — «Нигоҳ»нинг чиқа бошлаганига бу йил тўрт йил бўлди. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб чоп этилаётган бу рўзноманинг туманда ихлосмандлари жуда кўп. Чунки унда босилаётган бир-биридан ўқишли, ихчам ва мазмунли мақолалар беихтиёр киши диққатини ўзига тортади. Ҳозиргача газетанинг 96 та сони ўқувчилар қўлига тегди. Мазкур газетанинг дунёга келишида иқтидорли шоир ва адиб, тажрибали ҳуқуқшунос, Нарпай туман судининг собиқ раиси, айни дамда вилоят суди раисининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Абдукамол Раҳмоновнинг хизмати ва ташкилотчилиги катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Газетадаги ҳар бир мақола жўшқин илҳом, юксак журналистик маҳорат билан ёзилган. Бир-биридан маъноли ва таъсирчан лавҳа, шеър ва мақолалар таҳририят ходимларининг машаққатли меҳнат маҳсулидир. Шу ўринда газета муҳаррири, тажрибали қаламкаш, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Риза Худойқуловнинг газетани севимли матбуот нашрига айланишида хизмати беқиёс эканлигини ҳис этдим.

Ойда уч марта чоп этилаётган «Нигоҳ»нинг атиги битта сони билан танишиб, бир олам таассурот олдим. Унинг олдинги сонларида ҳам бундай диққатни тортувчи материаллар озмунча бўлмаган бўлса керак. Шу маънода мен ана шундай ўқимишли рўзномага эга нарпайлик газетхонларга ҳавасим келди. Қанийди, «Инсон ва қонун»нинг ана шундай издоши бўлган нашрлар кўпайса!..

Ўткир САИДОВ,
журналист

Прокурор назорати

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИБ

Жорий йил қонун ҳимоячилари зиммасига ҳар доимгидек катта масъулиятлар юкламоқда. Амалга татбиқ этилган қонунлар ижросининг тўғри йўлга қўйилишини назорат қилиш, бу борада мавжуд бўлган қонунбузилиши ҳолларини аниқлаш ва бундай ҳолатларга чек қўйиш прокуратура ходимларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Шу боис ўтган йил давомида туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида бир қатор текширишлар олиб борилди. 1998 йилда бундай текширишлар сони 46 тани ташкил этган бўлиб, унинг натижасида жавобгар шахсларга нисбатан 7 та, 1999 йилда эса 54 та текшириш ўтказилиб, ишлар юзасидан 13 та жиноят ишлари қўзғатилган. Булар асосан бозорлар фаолияти, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 майдаги тўлов интизоми, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш тўғрисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 604-ҳамда 403-сонли қарорларининг ижроси, шунингдек, жамоа хўжаликлари мулкининг, нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш юзасидан қўзғатилган жиноят ишларидир. Бундан ташқари, прокуратура томонидан ушбу ишларга хулоса сифатида 77 та тақдимнома, қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш тўғрисида 36 та амрнома киритилган. 88 нафар шахс ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли шахсан огоҳлантирилди. Шунингдек, текширишлар якунига кўра, 66 кишига нисбатан маъмурий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилиб, 44 нафар шахс интизомий, 17 нафар шахс эса моддий жавобгарликка тортилдилар. Прокуратура томонидан 27 та даъво аризаси киритилиб, жами 177236 сўм миқдоридаги моддий зарарлар ундирилди ва жойига қўйилди.

Мана, 1999 йил ҳам ортда қолди. Республика раҳбарияти томонидан «Аёллар йили» деб эътироф этилган ушбу йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, аёллар, оналарга ҳурмат, эҳтиром кўрсатилди. Кириб келган йил эса «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шу боис иш фаолиятимизда ушбу йўналишга эътиборни қаратиб, туманимизда оналар ва болалар соғлиги, тарбияси, уларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросининг таъминланишини долзарб вазифа деб биламиз.

Акмал ИМОМОВ,
Нарпай туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Қарор ва ижро

ХАЛҚ РИЗҚИ ТОПТАЛМАСИН

Халқимизнинг асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга катта эъзоз билан ўтиб келаётган удумлари, қадриятлари ва ахлоқ-одоб қоидалари жуда кўп. Ана шундай қадриятларимиздан бири - халқ ризқини асраб-авайлаш хислатидир. Ризқ - инсоннинг насибаси, унинг фаровон турмуш кечиришининг иқтисодий омилидир. Мана шу омил бой бўлса, халқимизнинг дастурхони ҳам мўл-кўл бўлади, келажаги ишончли бўлади. Шу туфайли ҳам ота-боболаримиз фарзандларини ўзининг ҳамда бошқаларнинг ризқини ҳеч қачон топтамасликка ундаб келганлар.

Минг афсуслар бўлсинки, кейинги вақтда айрим жойларда аждодларимизнинг мана шу олтиндан ҳам қиммат удуми баъзи кимсалар томонидан унутилаётир.

Маълумки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса, нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қаноатлантириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу мақсадда республикамизда ғалла ва бошқа турдаги бошоқли дон маҳсулотлари етиштиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Бироқ айрим юртдошларимиз бу эзгу мақсадларга хилоф равишда экинларни пайҳон қилиб, халқ ризқи топталишига йўл қўймоқдалар.

Ғалла экинлари нобуд бўлишининг олдини олиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайҳон қилиниши ҳоллари-га йўл қўймаслик мақсадида 1994 йил 21 ноябрда Республикамиз Президенти томонидан «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармон имзоланган эди. Сўнгра ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Ўтган давр ичида вилоят маъмурий органларининг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш борасида анчагина ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги «Экинларни пайҳон қилинишига қарши кураш самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳуқуқ-тартибот идораларидан бу жабҳадан саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Биз вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг ҳайъати ва вилоят суди раёсатининг барча туманлар судларининг судьялари иштирокидаги кенгайтирилган қўшма йиғилишини ўтказиб, тезкор ҳолда ушбу қарордан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни белгилаб олиб, самарали тадбирлар режасини тасдиқладик. Ушбу мавзудаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи ишларини янада жадаллаштириб, вилоят телевидениеси, радиоси ва газеталарида, қишлоқлар фуқаролар йиғинларида, аҳоли истиқомат жойларида бевосита фуқаролар билан мулоқотлар ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси ва туманлар судларининг ходимлари тегишли бошқа ҳуқуқ-тартиботи идоралари вакиллари ҳамкорлигида экинларни пайҳон қилиш билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари олиб бораётганлигига қарамасдан баъзи инсофсиз шахслар бундан керакли хулоса чиқариб олмаганликлари кузатилмоқда.

Фуқаро А.Сафаров ўзининг 4 бош қорамолини қаровсиз қолдирганлиги оқибатида Каттақўрғон туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги ғалла пайкали пайҳон этилиб, хўжаликка 3.200 сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Ушбу қонунбузарлик учун унинг бир бош қорамоли қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарорига биноан сўйилиб, унинг гўшти кам таъминланган оилаларга тарқатиб берилди. Ўзи эса туман суди томонидан жаримага тортилди.

Фуқаро Н.Иброҳимов 332 бош қўйини қаровсиз қолдириб, Қўшработ туманидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли ижара хўжалигига 31.762 сўм зарар етказган. Фуқаро Х.Қобилов Пайариқ туманидаги «Дўстлик» ижара хўжалигининг 2,5 гектар майдонидаги буғдойзорда қўйларини боқиб, экинни пайҳон қилганлиги оқибатида хўжалик 30.000 сўм зарар кўрди.

Тегишли туман судлари бундай ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 104-моддаси талаблари асосида объектив баҳолаб, ҳуқуқбузарликни содир этган мазкур шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари қўлладилар.

Шунингдек, фуқаро Б.Рустамов ўзининг ва бошқаларнинг 31 бош қорамоли ва қўйларини Нуробод туманидаги «Ҳилола» деҳқон хўжалигининг 10 гектарлик масхар униб чиққан ер майдонида боқиб, экинни пайҳон қилиши оқибатида деҳқон хўжалигига 164.000 сўм зарар етказган. Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман суди томонидан 5 нафар шахсга нисбатан 3 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, уларнинг ўз қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонликлари инобатга олиниб, Республикамиз Президентининг Фармони асосий тайинланган жазони ўташдан озод этилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони талабларига кўра экинларни пайҳон қилиш ҳоллари содир бўлганда мол, парранда, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки экинни пайҳон қилган бошқа техника воситасининг эгалари тезлик билан аниқланиб, материаллар моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширилади.

Амалдаги Жиноят кодекси 198-моддасининг 1-қисмида эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилиш ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдор энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача қамоқ билан жазоланади. Шу модданинг 3-қисмида юқоридаги ҳаракатлар қасддан қилинса ва етказилган зарар кўп миқдорда бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдордаги жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш чоралари белгиланган.

1998 йилда вилоятимиздаги туман ва шаҳар судлари томонидан экинларни пайҳон қилишга оид 6 та жиноят иши кўрилиб, 7 нафар шахс жазоланган. Маъмурий тартибда 442 нафар шахсга нисбатан 389 та иш кўрилиб, ҳуқуқбузарларга қарийб ярим миллион сўм миқдоридаги жарима солинган эди. Улар томонидан етказилган бир миллион сўмга яқин моддий зарар ундириб берилди. Судлар томонидан ҳуқуқбузарлар ҳисобидан деярли беш ярим миллион сўмлик етказилган моддий зарар ундирилди.

Ватанпарварлик элпарварликда, унинг ризқу рўзини топтамасликда намоён бўлади. Шундай экан, барчамиз халқимизнинг насибаси бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон бўлишининг олдини олиш чораларини ҳар тарафлама кўриб, эл ризқининг топталишига, унинг чорва моллари туёқлари остида янчилиб, транспорт воситалари ғилдираклари тагида эзилиб йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Қўчқор ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг бошлиғи

ДЕНОВЧАСИГА ТАРСАКИ

ёхуд Ибодат опага аёллар байрамида йилларга татийдиган «совға» теккани ҳақида

Тавба...

Биз сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа баъзиларни бироз бўлса-да, ҳаяжонга солиши, қитиқ патига тегиб кетиши, бошқаларни ҳайрон қолдириши ёки ҳайратга тушириши мумкин. Айримларда сал-пал қон босимини ошириши, жиғилдонида зарда пайдо қилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Аммо билиб қўйинг, бу нарса деновликларга, айниқса, ҳуқуқ посбонларига чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди. Чунки улар «ёнларида оқаётган сув...» каби бундай воқеаларга нигоҳлари ўрганиб, мослашиб, одатланиб қолишган, дейишади. Тағинам... ким билади, дейсиз! Қолаверса, кўпам ваҳимали воқеа ҳам эмас, учраб туриши ноёб бўлмаган ҳодиса, кечими ҳам оддий...

Сариосиёнинг тоғли-адирли қишлоқларидан бирида ўсган Ибодат Нуралиева деган қиз барча тенгдошлари қатори чексиз орзу-ҳаваслар оғушида, ўзидан унча «нари» бўлмаган йигит - Чўпонқул Шоназаровга турмушга чиқди. Куёв анча абжир, қўллиоёқли чиқиб қолди, бинойидек рўзғор тебратади. Ибодат эртадан-кечгача рўзғор билан банд. Шахсий ҳаёти борлигини гўё унутгандек... Эрининг қовоғига қарайди. Яратган фарзанддан қисмаган экан, қаторасига бешта ўғил-қиз ато этди. Уларнинг ташвиши-ю, қувончлари... Гирдикапалак, оқ ювиб-оқ таради. Сабр-қаноатнинг таги кенг эмасми, борига шукур қилади, топилганига барака тилаб, бирни иккига улайди. Вақт ўтиб бориши, болаларнинг бўй чўзиб қолиши яшаш шароитларини бироз янгилашга ундайди. Эр-хотин келишиб, ҳовлини кенгайтириш учун ейиш-кийишдан чегириб, баъзи қурилиш материаллари тўплай бошлашади. Бу ерларда бошқа барчасини осон топса бўлади. Қумни дарё бўйидан истаганча ташиб келаверса бўлади. Тош ва ғишт ҳам оёқ остида. Лойсув бор. Аммо қурғор ёғоч тақчил-да! Мана, у ҳам топилди. Нақ 18 кубометр, бир уйни бутлашга бемалол етади. Аммо...

Шу кунларда аҳил оилага кўз тегди. Чўпонқул абжирлигининг яна бир қирасини кўрсатди. Бешта фарзанд туғиб берган Ибодат «тўсатдан» кўзига ёқмай қолди. Бошқа бир аёлга илакишди. Тўғри, биз бу ҳолатни нақадар қораламайлик, баҳоламайлик, барибир... ҳаёт учун янгилик эмас. Дунё борки бор, ҳамма жойда ва даврда учраб турадиган кечинма. Қолаверса, ўнта боласини ҳатто бир неча марта оиласини ташлаб кўнгил кўчасида «сайр»га чиққанлар эркагу аёллар озми? Етарлича топилади. Аксари одамлар дарҳол шундай хулоса қилишади. Лекин...

Ибодат опа учун ҳам бешта гўдак учун ҳам бу ҳол беҳад катта фожиа эканлигини тушунтириб ўтишга ўрин бўлмаса керак. Буни ўз танасига ўйлаб кўрганлар дарҳол англайди. Изтироблар, кўз ёшлари, алам, оила ўрнида «синган идиш» қолиши, келажак ҳақида ўйлар, теварак-атрофдагиларнинг шивир-шивири, оғизга кучи етмаганларнинг вайсаши, оғир нигоҳлар, нон ташвиши... Ахир, Ибодат опа оилам, эрим, болаларим деб эшик ҳатлаб кўчага чиқмаган аёл бўлса, болалар ҳали нон топиш қувватига етган бўлмаса...

Шу кунларда қулоғига яна бир нохуш гап чалинди. Чўпонқул «янги келин»нинг ёнига кўчиб кетишдан олдин уйдаги 18 кубометр ёғочни йўниш учунми, деб машинага юклаб кетган эди. Улар тўппа-тўғри Чўпонқулнинг акаси - Денов шаҳар солиқ инспекциясининг бошлиғи Қурбон Шоназаровнинг ҳовлисига олиб бориб тушурилган ва ҳашаматли ҳовли қурилишига ишлатилиб юборилган экан. Оиланинг умуммулки қайтмас бўлиб кетган эди, чамаси.

Ибодат опа «майли, тақдир экан, болаларим билан ҳаёт ўпқонига ташлаб қўйдинглар,ҳеч қурмаса уйимни бироз бутлашга ишлатарман, шугина ёғочимни қайтариб беринглар» деб собиқ эрига, болаларининг «дадажони»сига, собиқ қайноғаси - фарзандларининг «амакижони»сига бош эгиб борди. Яна кўп остоналарга бош урди. Бўлмади. Сўнг ёрдам сўраб баъзи идораларга арз ёзди.

1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинди. Эрта баҳор. 8 март арафасида аёлларга эҳтиром, иззат-ҳурмат кўрсатиш бирам ошдики, асти қўяверасиз. Етти ёт бегоналар аёлни бир оғиз ширинсўз билан табриклаб қўйишаяпти. Даста гуллар ва совға кўтарган эркаклар ғизиллаб ўтиб турибди. Аммо Инобат опа ва қизлари бу кунни кўзларидан мўлтираб ўтказишди. Фақат биргина хабар келди: вилоят солиқ инспекцияси вакили Деновга келармиш, Ибодат опага қайноғасидан ёғочларни олиб берармиш...

Барча аёллар байрам тафтидан ёниб-яшаб юрганда Ибодат опа болаларини уйда қолдириб Деновга «учди». Юқоридан келган вакил кутиб турган экан, туман солиқ инспекцияси бошлиғи ҳузурига киришди. Ибодат опа бу куни ўзига нақадар улкан совға ҳозирланганини қаёқдан ҳам билсин.

Қурбон Шоназаров вакилга «масалани ҳал қиламиз» деб ваъдани катта бериб жўнатди. Келинини - жиянларининг онасини пойгоҳда кутиб туришини тайинлади. Ичкари кириб телефонга ёпишди. Укаси Чўпонқулни ҳузурига чорлади. Бироз ўйлаб туриб ўз хотини Норбиби ва ўғли Умиджонларни ҳам тезда етиб келишлари ҳақида буйруқ берди. Улар тўплангач, Ибодат билан бирга хонага киришди. Эшик ичкаридан қулфланди. Тапир-тупир, бақириқ ва чинқириқлар ёпиқ эшик ортида узоқ давом этди. Ташқарида ҳеч ким йўқ, воқеани ҳеч ким кўрмаган, нима бўлганига Оллоҳ гувоҳ. Фақат... анча вақтдан сўнг уриб-тепкиланиб, дабдала қилинган Ибодат опанинг ҳушсиз танаси эшик кўрди. Уни бир йўловчи таксига тиқишиб уйига олиб бориб ташлашни буюришди.

Аммо опанинг аҳволи оғир эди. Сариосиёдаги касалхонага ётқизишди. Тузалавермади. Деновдаги касалхонага кўчиришди. Фойда бермади. Вилоят маркази - Термиз шаҳрига олиб боришди. Сўнг Тошкентга...

Хуллас, 1999 йил хотин-қизлар байрами куни олган совғаси - тан жароҳатларидан Ибодат опа бир умрлик мажруҳ бўлиб қолди. Уни 2-гуруҳ ногирони деб топишди. Сабаби эса ўша куни етказилган жароҳатлари билан боғлиқ эканлиги қайд этилди. Бир қўли мутлақо ишламай, шалвираб қолган эди. Даволанишнинг у шаҳардан бунисига касалхонадан бошқасига ўтказилиши, маслаҳат ва ташҳислар, муолажалар, қатновлар ўзи бўлмайди, буёқда бешта гўдак...

Бу пайтда эса бошқа тарафда «ўйин» қизғин тус олган эди. Денов ички ишлар бўлимининг терговчиси шуми тимдалабди-да, аёлларга ёрдамга келмаган экан. Ёки бир аёл иккинчисини ҳимоя қилиб, ўзи ҳам ёрдамга келмаган экан. Ёки бир аёл иккинчисини тимдалабди-да, аёллар ийили, нари борганда амнистия, аёллигини ҳисобга олиш мумкин, деган қабилда махсус уюштирилган ишнинг ҳиди келмадимикин? Бўлса бордир. Нима бўлганда ҳам эркаклар кекирдак чўзиб юраверди, Ибодат опа «дод-бедод» деб мажруҳ қўлларига термулганича кўз ёшига кучи етди, овсини Норбибига «қисқа муддат соғлиғи бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказганлиги»ликда айб қўйилиб, иш судга оширилди.

Денов шаҳар суди раиси Н.Қалқонов ишни судда кўрар экан, юқоридаги саволларга жавоб излаб, кўп ажабланди. Тошкентга тайинланган комиссион экспертиза Ибодат опанинг оғир тан жароҳати олганлигидан гувоҳлик берарди. «Зўравонлик» қилган Норбиби билан жабрланган Ибодат опанинг гавдасини қиёслаб, гумони тағинам ортди. Устига-устак, иш бўйича жанжалга сабаб бўлган мулк - 18 кубометр ёғоч масаласи, Ибодат опанинг даволаниши билан боғлиқ тортган азоблари ва қилган сар-харажатлари, қолаверса, маънавий зарар очиқ қолдирилган эди.

Судьяни виждони асраб қолди: Ибодат опага қарийб бир йил илгари жароҳат етказишиб, ҳақиқий зўравонлик қилганлар аниқланиши, нотўғри суд-тиббиёти хулосасини бериб суд ва терговни чалғитганлар фош этилиши, «ташлаб» кетилган оила - мажруҳ аёл ва беш нафар гўдакнинг ҳаққи ундириб берилиши каби бир қатор ҳолатлар тергов йўли билан очилиши ва адолатли баҳо берилиши лозимлигини қайд этиб, ўз ажримини эълон қилди.

Юқоридагилар битилган хат-ҳужжатларни ўрганар эканмиз, Денов шаҳар ҳуқуқ посбонлари «туя гўшти еган» бундай ишларга тез кунда охирги-адолатли нуқта қўйишларини, энг одил ечим бу - нечта шахсни қай тарзда жазолашда эмас, уларга жиноятлари учун «неча иш ҳақи баробарида жарима» солиниб, бюджетга ундирилишида эмас, Ибодат опа ва болаларнинг моддий ва маънавий манфаати тўла ҳал қилинишида эканлигини хаёлимиздан кечирдик. Зеро, қураётган ҳуқуқий жамиятимизда инсон юзига тортилган тарсаки қонунни шапалоқлагандай, бу муқаддас туйғуларимизни оёқости қилиш билан баробардир.

«Инсон ва қонун» махсус мухбири

Қонун ва ижро

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Бухоро вилоят Когон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Олим АСЛОНОВ билан суҳбат

- Мамлакатиимизда юритилаёган ҳар қандай қонун ва фармонлар қатъий ва аниқ бажарилиши ўта муҳим, албатта. Яширишнинг ҳожати йўқ. Одатда кўпгина жиноятлар мавжуд қонунларни билмаслик ёки менсимаслик, баъзида четлаб ўтишга уриниш оқибатида рўй беради...

- Дарҳақиқат, содир бўлаётган жиноятлар тафсилотлари таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда мавжуд қонунларни билмаслик оқибатида баъзан билиб туриб жиноят содир этилган Республикамиз Мустақиллиққа эришган биринчи кундан бошлаб Президентимиз қонун олдида ҳамма баробар эканлигини кўп бор таъкидлашларига қарамай, айрим мансабдор шахслар ҳамон бу масалага панжа орасидан қарашмоқда. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари эса охир-оқибатда суднинг қора курсисига етакламоқда. Ана шундай қилмишига пушаймон бўлиб, тавбатазарру қилаётганлардан бири фермер хўжалиги раҳбари Завқи Жўраевдир. Ўтган йилги умумий назорат тартибида ўтказилган текширишлар жараёнида Завқи Жўраев бошчилигида Н.раҳимқулов, Х.Бўстонов, Ш.расулов каби уюшган жиноий гуруҳнинг қинғир ишларни фош этди. Бу жиноий гуруҳ ўзларига ишониб топширилган 36 минг 900 сўмлик чигит маҳсулотларини талон-тарож қилганликлари аниқланди.

Хўш, бу жиноятчилар гуруҳи чигит маҳсулотларини сотиш қатъиян ман этилганлигини билмаганларми?! Улар жуда яхши билишган. Фақат нафслари уларни ана шундай жиноят кўчасига етаклаган.

- Шаҳар ташкилотларида ижтимоий муҳофаза борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

- Шаҳримизда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини — уларга тенглаштирилганларни, нафақахўрларни, кўп болали оилаларни, қаровчисини йўқотганларни алоҳида назоратга олиб, Президентимиз Фармонларига асосан шу тоифадагиларга моддий ёрдам кўрсатаяпмиз. Жумладан, 135 нафар якка-ёлғиз нафақахўрга 2 миллион 192 минг 700 сўм озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. 16 та фуқаролик йиғинларига моддий ёрдам сўраб тушган 1241 та аризадан, 1183 таси қаноатлантирилди. 2 ёшгача болалари бор 692 нафар оилага 15 миллион 905 минг 300 сўмлик нафақа тайинланди. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг 1-синфидан то 4-синфи ҳажмида кам таъминланган оилаларнинг 645 нафар ўқувчисига 1 миллион 166 минг 572 сўмлик қишки кийим, 1 миллион 242 минг сўмлик оёқ кийимлари, 88 минг 887 сўмлик бош кийимлари, шунингдек, 1 миллион 904 минг 340 сўмлик ўқув қуроллари тарқатилди.

Латиф Шаропов раислик қилаётган «Махтумқули» номли 3-маҳалла фуқаролик йиғинида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатиш шу куннинг талаби даражасида ташкил этилган. Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни, ҳамиша қилиш керак!» деган даъваткор сўзларини чуқур англаб етган бу маҳалла фаоллари олиб бораётган ишлар мақтовга лойиқдир.

- Кейинги пайтларда айрим педагоглар томонидан ҳам жиноятларга қўл ураётганлар учрамоқда экан. Тажрибали ҳуқуқшунос сифатида бундай нохуш фактларнинг туб илдизлари қаерда деб ўйлайсиз?

- Албатта, устозларимиз томонидан содир этилган ҳар қандай жиноят кечириб бўлмас мудҳиш хато ҳисобланади. Айни дамда улар қўлида таълим олаётган ёшларга бу ҳаракатлар салбий таъсир этади. «Кадрлар тўғрисида»ги миллий дастурда ҳам устоз педагогларимиз олдида муҳим вазифалардан бири қилиб, шахсий ибрат, одоб-ахлоқ масаласи долзарб этиб кўрсатилган. Шаҳримиздаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган айрим ўқитувчиларнинг қалобликка қўл урганидан кўз юмолмаймиз. Мен бу ўринда баъзи «ўқувчилар» сохта диплом билан олий маълумотли бўлганликларини назарда тутаяпман. Ўтган йил ана шундай жиноятлар учун 5 нафар «устозларимиз» жавобгарликка тортилдилар.

- Олим Жабборович, бугун Когон шаҳрида ёшлар ва ишсизлар муаммолари қандай ечим топаяпти? Шу борада ҳам фикрингизни билсак.

- Шаҳар аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шаҳар ҳокимлигида «Камолот» ёшлар жамғармаси, меҳнат биржалари билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга кўра мавжуд 13 та ҳиссадорлик жамиятлари, 48 та давлат, 36 та қўшма, 214 та хусусий ва кичик корхоналарда уларни иш билан таъминлаш масаласи қатъий белгилаб қўйилган.

Биз келажагимиз эгалари бўлган ёшлар масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида «Сиз қонунни биласизми?», «Жамият, ёшлар ва қонун», «Диний ақидапарастлик ва унинг зарарли оқибатлари» мавзуларида тадбир ва учрашувлар ўтказиб бораяпмиз. Энг муҳими, барча миллат фарзандларининг қалбига «Шу азиз Ватан барчамизники!» деган муқаддас тушунчани сингдираяпмиз.

Суҳбатдош: А.РАШИД

Қилмиш-қидирмиш

ЭССИЗ, ЙИГИТ ДЕГАН НОМ!

Не бахтки, Ватанимиз қудрати кун сайин юксалиб бормоқда. Дунё харитасида ўзининг дахлсиз ҳудудига эга бўлган Ўзбекистон дея аталгувчи давлатнинг барпо бўлганига ҳам 8 йилдан ошди. Шу қисқа давр ичида жаҳон халқлари ер юзида тарихи неча-неча асрларни қаритган ўзбек халқини қайтадан таниб бошладилар. Иқтисодий ижтимоий барқарорлик йўлини тутган давлатимизда ҳарбий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётгани юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, эл осойишталигини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим омилдир.

Ватан мудофааси ҳар бир фуқаронинг чин ватанпарварлик бурчидир. Умумий ҳарбий мажбуриятнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга чақирув, чақирув ҳудудларида рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматни ўташ (чақирув ва ўз ихтиёри билан) истеъфодаги хизмат, ҳарбий ҳисобкитоб қоидаларига риоя қилишдан иборатлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини топган. Айни пайтда ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш жиноят эканлигини барчамиз тушунмоғимиз ва ўз фуқаролик бурчимизни адо этмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 03.07.1992 йилдаги «Умум ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматни ўташдан озод этиш ҳолатлари белгиланган. Лекин айрим ҳолларда узрсиз сабаблар билан ҳарбий ва муқобил хизматдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб турганлиги аянчли аҳволдир.

Қарши тумани прокуратураси томонидан 1980 йилда Қарши тумани, «Чўли-ота» жамоа ширкат хўжалиги, дашт қишлоғида туғилган, шу қишлоқда яшаб келган Сайриддин Ёқубовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар» деб кўрсатилган шарафли бурчига хиёнат қилганлиги ҳолати ўрганилди. У Қарши тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан 1999 йил баҳорги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилганида, йигитлик бурчини адо этишга шошилиш ўрнига хизматдан бўйин товлаш мақсадида отаси Қаландар Ёқубов билан жиноий тил бириктириб, туман мудофаа бўлимига қалбаки тиббий ҳужжат тақдим қилган. Шу иш юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Тергов давомида аниқланишича, Қ.Ёқубов 1999 йил апрел ойида вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансерида даволаниб юрган кезлари ўғлини туман мудофаа ишлари бўлими томонидан хизматга чақирилганлигини билиб, уни 1-сонли вилоят шифохонасининг гастроэнтерология бўлимида 1998 йилнинг 2 август кунидан 15 август кунигача «сурункали ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги қайталаниши» ташхиси билан стационар тартибда даволанганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатлар тўғирлайди.

Ота қутқусига учган ўғил «Бу иш йигитлик шаънимга муносиб эмас», дейиш ўрнига қалбаки 2420-сонли касаллик тарихи кўчирмасини туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 225-моддаси 2-қисми «б» банди ҳамда 228-моддаси 2-қисми «б» банди, 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Ўтказилган тергов давомида аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши қонуний тўхтамга келишлик учун туман судига юборилди. Қарши туман судининг ҳукмига кўра ота-ўғил Қ.Ёқубов ва С.Ёқубов тегишли жазоларга тортилдилар.

Шу ўринда мамлакатиимз Президенти И.А.Каримовнинг «Эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман» деган пурҳикмат сўзларини барчамиз ҳаётий принципга айлантириб, қонунларга амал қилиб яшашга ўрганса-сак, жамиятимиз равнақига қўшилган катта ҳисса бўларди.

Баҳром ТОШТЕМИРОВ, Қарши тумани прокуратурасининг терговчиси, 2-даражали юрист

Прокурор минбари

ЧЎПОН ТАЁҒИНИНГ КУЧИ

Пайғамбаримиз Ҳадисларида «Қўй боқинглар, у баракадир» деган дониш ибора бор. Шунингдек, зукко боболаримиз қўй-қўзи отарлари атрофида қут-барака келтирувчи Ҳизр бобо юришини, қўй «жаннатдан чиққан»лиги учун унга доимо ҳалол-пок муносабатда бўлиш лозимлигини гапириб юришади. Қаердаки қўйлар отарига нопоклик, эгрикўл ораласа, ўша жойдан файз барака кўтарилиб, Бобо Зангидан қолган чўпон таёғи «ер чизиб» қолиши ривоят қилиниши ҳам кўпчиликка аён.

Чироқчи туманидаги «Бешчашма» жамоа хўжалигида жамоа ва хўжалик мулки, хусусан, чорва молларини сақланишига қаратилган қонунлар ижроси текшириб кўрилганда 7 нафар чўпоннинг қарамоғидаги қўй-қўзилардан кўп миқдорда камомад борлиги аниқланди. Чорва озуқаси ўз вақтида берилмаганлиги уларнинг нес-нобуд бўлишига сабаб бўлганлиги маълум бўлди.

Жумладан, хўжаликда 1997 йил 20 июндан 1999 йил 21 майгача бош чўпонлик қилган Холиёр Нурматов ўтган икки йил давомида хўжалик мулки - қўй боши сонининг бирини икки қилиб, кўпайтириш ўрнига, қаровсиз қолдириб, ўз билганича сўйиб еб, сотиб, ўзлаштириб 196 бош қўйни 717 минг 300 сўм миқдорида талон-тарож қилганлиги, чорва маҳсулотлари ва ем-хашакдан қарийб ярим миллион камомадга йўл қўйганлиги аён бўлди. Ундан сабаби сўралганда қўйларнинг кўпчилигини ўз эҳтиёжи учун сотиб ишлатиб юборганлигини, ўз ишига лоқайдлиги ва эътиборсизлигини, иқтисодий томондан қийналганини рўкач қилди. Хўжаликда бош чўпон бўлиб ишлаган Муродилла Тўқбоев отарида ҳам қўйлар нес-нобуд қилиб юборилиб, қарийб ярим миллион сўм зарар етказилганлиги, гўшт, тери топшириш ҳамда озуқа маҳсулотлари бўйича жами 528 минг 700 сўм камомад қилгани аён бўлди. Ҳар икки чўпон ҳам одил суд ҳукми билан мол-мулки мусодара қилиниб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Қанийди «Бешчашма»да камомадчилар бор-йўғи шу икки чўпондан иборат бўлса?..

Хўжаликда бош чўпон бўлиб ишлаган Мейли Назаров 649380 сўм, Бегимқулов Келдиёр 185 минг 800 сўм, Собиров Холмамат 135 минг 752 сўм, Жумагулов Абдираҳмон 107 минг 100 сўм, Усмонов Ботир 18800 сўмлик камомад қилиб, хўжалик мулкини талон-тарож қилгани маълум бўлди. Чўпон таёғига хиёнат қилган бу кимсалар қонун олдида тегишли жазосини олди. Улар келтирган зарар хўжалик фойдасига ундирилди. Бу ишларга панжа орқасидан қараган хўжалик раҳбари ҳам вазифасидан бўшатилди. Бу янги раҳбар ва чўпонларга сабоқ бўлмоғи керак. Зеро, чўпон таёғи хиёнатни кечирмайди.

Отабек ТУРДИҚУЛОВ, Чироқчи туман прокурорининг ёрдамчиси

Жиноятга жазо муқаррар

ҚАРЗ БАЛОСИ ҚОТИЛЛИККА ЕТАКЛАДИ

Инсон ҳаётда йўлидан қалтис адашмасин экан. Қиморга кўнгил қўйган Носир Холмирзаев катта миқдорда пул ютқазиб қўйди. Қарз бўйнига илинди. Нима қилмоқ керак?! Уят-ориятмі (агар у қолган бўлса, албатта) ўлимдан қаттиқ.

Носир ўйлаб-ўйлаб, «йўлини топди»! Ўз оиласи билан яшаб турган уйни гаровга қўйиб, қўшниси Холдоржон Юнусовдан уч ой муддатга юз минг сўм олди.

Кун ўтган сайин уни ваҳима босар эди. Кўз юмиб очгунча уч ой ҳам ўтди-кетди. Қарзни эса қайтаришга иложи ҳам, имкони ҳам бўлмади. Яна Носирни ўй босди. Тунларини бедор ўтказиб, унинг ҳам бир йўлини «топди».

...У Андижон шаҳридаги уйлардан бири 15 минг АҚШ долларига сотилганлигини тасодифан эшитиб қолди. Бунинг устига уй эгаси кекса киши ёлғиз яшар экан. Ёнига эски қадрдони Набижон Раҳимовни олиб, қариянинг уйига босқинчилик юриши уюштирди. Қарияга ўзларини сотиладиган мебелга харидор қилиб кўрсатишди. Чолни алдаб уйга кириб олишгач, барзанги йигитлар унинг қўлларини қайришиб, пуллар, қимматбаҳо буюмларни топширишни талаб қилишди.

Жони кўзига ширин кўринган чол 17800 сўм пул, 100 АҚШ доллари, соатлар, турли безак-тақинчоқларни босқинчиларга «қўшқўллаб» топширди. Аммо у шафқатсиз, бойлик илинжида кўзи қонга тўлган босқинчилардан бу билан қутилмади. Улар чолнинг қўл оёқларини чандиб боғлашди сўнг бўйнига чилвир ташлаб бўғиб ўлдиришди.

Қарз балоси баҳона, нафси ҳакалак отиб, кўзи қонга тўлган Носир бу билан ҳам тинчимади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у энди бошқа бир ўзига ўхшаган сатанг - Иброҳим Ёқубов деган шахс иштирокида, кўчада «Донган-Л» русумли такси автомашинасини тўхтатишди. Улар ҳайдовчи Салоҳиддин Мирзакаримовдан Андижон туман Бўтақора қишлоғига олиб бориб қўйишликни илтимос қилишди.

Такси Найман қишлоғи Дўдир маҳалласига яқин хилват жойда, кимсасиз даладан ўтиб бораётганда Иброҳим ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Йўқ ердан ҳайдовчи билан жанжал чиқарди. Ҳайдовчининг бироз қаҳри келди чамаси:

- Иккаланг ҳам туш машинадан, ярим кечада қиморхонани излашга тоқатим йўқ, - деди.

- Биз сенга кўрсатиб қўямиз, - дейишди «йўловчи»лар. Иккаласи бараварига ҳайдовчига ташланишди. Иброҳим томонидан кўкраги, қорнига кетма-кет урилган пичоқ зарбидан ҳайдовчи «шилқ» этиб тушди. Босқинчилар ниятига етишган эди. Автомашинани эгаллаб олиб, сотиб юбориш мақсадида босқинчилар бир бегуноҳ ҳайдовчи, икки боланинг отаси, кекса онахоннинг суюкли фарзанди, суянган тоғининг бошига етган эди. Устига-устак унинг жасадини кимсасиз чуқурга тиқиб, кўмиб юборишди...

Жиноятчилар машинани сотишга шайланган пайтларида жиноят устида қўлга олиндилар.

Ҳайриятки, жамиятимизда адолат тарозуси бор экан, қонун устувор экан. Ҳеч ким содир этган жиноятига яраша жазодан қочиб қутула олмаслиги рост бўлиб чиқди. Қарзни баҳона қилиб, ўзгалар жонига қасд қилиб, уларнинг мол-мулкини эгаллаб олишни ният қилган босқинчилар узоққа боришолмади.

Суд босқинчи гуруҳ раҳбари Носир Холмирзаевга давлатимиз қонунлари асосида энг олий жазо - ўлим жазоси тайин этди. Иброҳим Ёқубов 20 йилга, Набижон Раҳимов эса 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Инсон ҳаёти, унинг қадр-қиммати энг олий қадрият деб конституциявий тарзда белгилаб қўйилган бизнинг мустақил давлатимизда бировнинг жонига қасд қилган, мол-мулкини босиб олишни кўзлаган ҳар қандай босқинчи ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди, унинг жиноятига яраша жазо муқаррардир.

Латифжон КОМИЛОВ, Андижон вилояти, Избоскан туман судининг раиси

ПУЛИ ТЎЛАБ ҚЎЙИЛГАН ХАЗИНА

Финландиянинг Болтиқ денгизига туташ қирғоғига яқин жойда машқ ўтказаётган сувга шўнғувчилар катта-катта қўрғошин қопламали юклар уюшмасига дуч келишган. Уларни қирғоққа олиб чиқишиб, очиб қарашса, ичидан 15-17 асрнинг буюк дурдоналари - ноёб суратлар, олтин ва кумушдан ишланган санъат асарлари, ҳайкалчалари, нодир идишлар, тақинчоқлар безаклар хазинаси чиқиб қолган. Мутлоқ ўз ҳолича сақланган бу топилмаларнинг қиймати бугунги нархда миллардлаб долларда баҳоланар экан. Аммо финландияликларни буюмлар ичидан топилган бир даста ҳужжат танг қолдирди. Унда барча расмий тарафлари қонунлаштирилган ҳолда Оврўпа давлатларидан Русия императори Екатерина Иккинчининг саройини безаш учун сотиб олинганлиги рухсати билан берилган экан. Мулкнинг қаерда ва қачон бўлишидан қатъий назар Русия давлатга тегишли эканлиги битилган экан. Демак, улар эгаси бор ва қонуний сотиб олинган мулкни Русияга топширишга мажбур.

Қаранг,қаранг, бир кун келиб, соҳибқирон бобокалонларимиз сотиб олган ва йўқолган деб ҳисобланаётган хазина худди шундай «Ол қулим» деб топилиб қолсамиди!

ОАВ хабарларидан Шерзод ҚИЛИЧЕВ тўплади

- Ўзганинг кўнглини оғритмай, ҳалоллик ва поклик билан яшаш узоқ умр гарови экан, болаларим, - дейди Фарғона вилояти Қува туманидаги М.Шербўтаев номли ширкат хўжалигининг Толмозор қишлоғида яшовчи Сурмабиби Эргашева.

Бу йил 125 ёшга кирган онахоннинг ҳозир 4 нафар фарзанди, 34 невара, 89 чевара, 8 эвараси бор.

Суратда: Сурмабиби ая (ўртада) хўжалик раҳбари Б.Шалимов, фуқаролар йиғини раиси М.Қўлдошев ва фарзандлари Деҳқонбой ҳамда Саодатхонлар билан.

Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат

ЁШЛАРИМИЗ ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШМАСИН

Яқинда Термиз шаҳар ҳокимлигида ҳуқуқ-тартибот тизими идоралари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда диний оқидапарастлик оқимларининг таъсирига фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг тушиб қолишига йўл қўймаслик, жиноятчиликнинг кўпайишига қарши курашиш каби масалалар кўрилди. Термиз шаҳри ҳокими Ҳусан Умаров, шаҳар маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари, шоир Нарзулла Орифий, вилоят МХХ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдумўмин Сатторов, Термиз шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Парда Алиқулов, Термиз шаҳар прокурори Тошпўлат Маматҳакимов ва сўзга чиққан бошқа фаоллар ёшларга ислом динининг моҳияти, унинг оқидапарастликдан кескин фарқини тўғри тушунтириш ҳар биримизнинг, айниқса жойлардаги маҳалла имомлари, оқсоқоллари зиммасидаги бурч эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, прокуратура, ҳокимлик, ИИБ идоралари ходимлари, матбуотчилар билан мунтазам узвий ҳамкорлик қилишлари айтиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз

АНЖУМАН

Шу кунларда озод ва обод Ватанимиз, ҳар бир ўзбек хонадони унутилмас - тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлмоқда. Нафақат адабиёт ва шеъриятимизнинг, балки миллатимиз фахрига айланган Алишер Навоийнинг таваллуд кунлари мамлакатимиз бўйлаб катта шодиёнага айланди.

Ўзининг бебаҳо ва ўлмас асарлари билан жаҳон адабиёти ва маданияти хазинасини бойитган улуғ бобокалонимиз ўзбек тилининг асосчиси-Аждодлар сабоғи - ақл қайроғи деганларидек, Навоий даҳосидан ҳали кўп нарса ўрганиш керак...

Шундан кейин минбарга Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов кўтарилди. У шоир ижодига юксак баҳо бераркан, жумладан шундай деди:

- Баъзан Навоийнинг шеъриятини ўқиб ўйлаб қоламан: бу сўзларни ҳақиқатан ҳам инсон боласи ёздимикин, гўё мен учун бундай сеҳрли сўзлар ило-

ЭҲТИРОМНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

гина бўлиб қолмай, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган мўътабар зотдир. Форсийда таълим олиб, туркийда ижод қилган бу оллома туркий тилнинг истиқбол даражасини белгилаб берди. Адабиётимиз пахлавонининг ўзларига Навоий таҳаллусини қўллаши бежиз эмас. Шоирнинг ҳиссиёт оламе, илҳом манбаи шу қадар кенг ва кучли эдики, борлиқ унинг кўзига шеър бўлиб кўринар, юрагига наво бўлиб қуюларди.

Навоий ҳазратлари сўз сеҳргари ва донишманд олим бўлиш билан бирга элу-улус ободончилиги, тинчлиги учун ёниб яшаган йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг раҳнамолигида Ҳирот ва Астрабод шаҳарлари чирой очиб, жафокаш халқ адолат шабадаларидан баҳраманд бўлди.

Бу йил мутафаккир шоирнинг 559 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент Давлат юридик институтида навоийхонлик ойлигини ўтказиш тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Куни кеча бўлиб ўтган «Навоий - буюк шоир, давлат ва жамоат арбоби» мавзуидаги илмий-амалий анжуман ана шундай тадбирларнинг бошланиши бўлди. Институтнинг «Маънавият ва маърифат бўлими» ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси ташаббуси билан уюштирилган ушбу анжуманни Ўзбекистон телевидениеси суҳандони Муслимбек Йўлдошев олиб борди.

Дастлабки сўз институт ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалимбой Бобоевга берилди.

- Мен номзодлик ҳимоямни айнан «Навоийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари» мавзусида ёқлаганман, - деди муҳтарам устоз. - У пайтларда ишлар русча ёзилса-да, ўзбек тилида ҳимоя қилиб, анча маломатга қолганман. Азиз талабалар! Навоий бир умр адолатни ёқлаб, муҳаббатни улуғлаб келган. Сизлар мустақиллик берган барча неъматларнинг қадрига етмоғингиз, демократик ва ҳуқуқий давлат пойдеворини яратмоғингиз керак. Бобомизнинг буюк давлат арбоби сифатидаги фаолиятини бугунги кунда Юртбошимиз мисолида кўришимиз мумкин. Ҳиётдан, фалакдан келган сўзлардек туюлади. Лекин фахр билан айтиш керакки, бу сўзларни инсон боласи, яъни Навоий айтган. Шунинг учун ҳам ҳазратни «Сўз мулкининг султони» десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ҳазратнинг шеъри кириб борган уйга шодлик киради, нур киради. Уни билган юракларга қайғу асло йўламас.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ўз сўзи давомида Навоийга эргашиб ғазаллар ёзганини ифтихор билан сўзлади ва унинг ғазалига боғлаган мухаммасини ўқиб берди.

Анжуман қатнашчилари ҳузурида сўз олган навоийшунос олим, академик Алибек Рустамов «Навоий ва ўзбек адабий тили» ҳақида, филология фанлари доктори, профессор Нарзулла Шодиев «Навоий - миллий қаҳрамон» мавзусида, халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий эса «Навоий ва ўзбек миллий мусиқаси» тўғрисида маъруза қилди. Нотиқлар улуғ шоирнинг бебаҳо меросини тўла ўрганиш, уни англаш учун фурсат етганлиги хусусида куйиниб гапирдилар.

Дарҳақиқат, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов «ўзлигимизни билиш учун Навоий қолдирган туганмас меросинг маъно-моҳиятига чуқур етишимиз керак» деб кўрсатма бердилар. Эндиги вазифамиз ушбу масалани ҳал этиш учун амалий ишга ўтиш, болаларимизни боғча ёшиданоқ Навоий руҳиятига яқинлаштиришдан иборат бўлади. Шунда биз Навоийни англаш ва тушуниш орқали юксак маънавият сари қадам ташлаймиз.

Тадбир сўнггида институтнинг бадиий жамоаси шоир сиймоси гавдаланган саҳна кўринишлари билан анжуман руҳига рух қўшдилар. Санъаткорлар буюк қалам соҳибига бўлган катта эҳтиромини дилбар қўшиқлар орқали намойиш этишди.

Ҳа, бизнинг Навоийга бўлган эҳтиромимиз самимий. Адабиётга, халққа бўлган бу эҳтиромнинг умри абадият каби боқий бўлсин!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА, Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси

ҚЎШБОСҚИН

ёхуд Қарши ва Шаҳрисабз истилоси

Поён РАВШАНОВ

Абдумалик Тўра раҳбарлигидаги қаршилик ҳаракати, нафақат таслимчи Амир Музаффар ҳокимиятига, балки энг аввало, Туркистонга човут солиб, уни мазлум этаётган босқинчиларни қувиб юборишга қаратилган эди. «Абдумаликхон раҳнамолигида, - деб таъкидлаган эди Д.Н.Логофет, - Қаршида янги қўшинлар йиғилаётганлиги яна уруш хавфини сола бошлаган эди. Шу сабабли ғалаёнчилар жам бўлган Қарши шаҳрига махсус отряд юборишга қарор қилинди».

Кауфман жазавага тушиб, генерал Абрамов бошчилигида энг сараланган, жангари аскарларини тиш-тирноғига қадар қуроллантириб, хонликнинг асосий шаҳарларидан бўлган Қарши устига жўнатади. 1868 йилнинг 28 июнида Самарқанддан Жом йўли орқали етиб келган, амир Музаффар кучлари билан бирлашган генерал Абрамовнинг 6 рота-

Абдумаликхон - Катта тўра муҳожирликда

си, 8 тўп ва тўпчилар гуруҳи ва 200 кишилик ракета қурилмалари батареяси Қарши шаҳрини истило этишга муваффақ бўлади.

Қарши шаҳрининг қадимий қалъаси вайрон этилади, аҳоли қирғин-баротга дучор қилинади. Шаҳарни ўша вақтда энг оммавий қирғин воситалари бўлмиш артиллерия ва ракета мосламалари устунлиги туфайли қўлга киритган руслар, уни яна амир Музаффар тасарруфига берадилар. «Абдумаликхон лашкарини тор-мор қилиб, рус қуролининг кучи билан забт этилган Қарши шаҳрини, Бухоро хонлигидаги иккинчи пойтахтни Бухоро амирига қайтадан топширилганлигидан бухороликларнинг ўзлари ҳам ҳайратга тушган эди. Рус отряди эса Самарқандга қайтиб кетди», деб ёзади кейинчалик алам билан Д.Н.Логофет.

Босқинчи қуролининг кучи билан қонга ботирилиб, истило этилган Қаршининг амир Музаффарга қайта инъом этилиши бесабаб бўлмаган. Зотан, босқинчилар Туркистонни босиб олишга киришганларидан буён бу хилдаги «олийжаноблик» мисли кўрилмаган иш бўлган эди. Яна Д.Н.Логофет истилочиларнинг бу хилдаги «қўли очиқ»лиги сабабларини шундай изоҳлайди:

«Туркистонда рус қўшинларининг кам сонли эканлиги ва Англиядан ҳадиксираш, ишнинг умумий моҳиятига унчалик мувофиқ тушмайдиган шундай қарорга келишга ундаган эди».

Бухоро хонлигининг Россия таркибига ўзсиз, тўла киритилишига ашаддий тарафдор бўлган Д.Н.Логофетнинг бу хулосасида жон бор, албатта. Гап шундаки, Абдумалик Тўра охир-оқибатда босқинчиларга қарши кураш йўлида ўзига иттифоқчи излай-излай, инглизларга тобеъ бўлган Ҳинд мулкларидан қўним топади. Абдумаликхонни инглизлар қувватлаб туриши, қолаверса, хонликни шарқий ҳудудида ҳали руслар қадами етмаган, аммо қаршилик алангаси бурқсиб турган бекликлар, ўч олиш қасдида ёнган кучлар йўқ эмас эди. Бундан ташқари Қаршининг жуғрофий жойлашуви русларнинг бу шаҳарга алоҳида йўлак ҳосил қилишларига монеълик қиларди. Чунки Жом ва Тахти Қорача довони орқали ўтадиган йўл ва ҳудудлар ҳарбий қуввати баланд Шаҳрисабз беклигига қарар эди. Босқинчилар шаҳрисабзликлар қиличининг зарбини икки йил олдин Самарқанд бўсағаларида елкаларда синаб кўрган эди. Шу жиҳатлар чамаси Қаршининг Амир тасарруфида қолдирилишига сабаб бўлган кўринади. Қарши исёни саранжом этилгандан сўнг хонликда икки йилга қадар осойишталик ҳукм суради. Бироқ бу сиртдан қаралганда, шундай тасаввур берар эди. Аслида рус ҳарбий салномачилари қайд этганлари каби хонликнинг шарқий сарҳадларида «Россияга қарши шошилинч ва махфий тайёргарлик кетаётган эди». Бу ҳаракат аввал бошда Зарафшон дарёси юқори оқимида жойлашган тоғли бекликларда ғалаён сифатида ниш беради.

1870 йилнинг эрта баҳорида талвасага тушган генерал Абрамов 6 рота, 200 казак, отлиқлар батареяси ва ракета мосламаси дивизиони билан Зарафшоннинг рус истилочиларига қарши кўтарилаётган юқори оқимидаги аҳолисини жазолаш учун йўлга чиқади ва Искандаркўл деган жойга етиб келади. Подполковник Деннет қўмондон бўлган иккинчи гуруҳ эса Матчоҳ дарёси юқори қисмига ташланади. Зарафшон юқори қисмида хуниюнда ниҳояла- резликларни 25 жойлар рус подган руслар, бу сарруфига ўтган- шоҳи тахти талилиб, Қўликалон мав- лигини эълон зеъида шаҳрисабзликнинг 3 ротаси, 2 тоғ қурол-яроғи, 2 ракета мосламаси ва 150 казакдан иборат ёрдамчи отряд 9-куни йўлга чиқади ва Қоратепада ётиб, 10-куни довон ошади.

Янги тарихимиз саҳифалари

Икки отряд ҳам 10 кунлик озиқ-овқат, ҳар бир милтиққа 200 тадан ўқ, 1,5 жамланмадан (тоғ взводи 1 жамланма) тўп ўқлари билан таъминланади.

2) 1870 йил 7 август кунида:

Шу куни отряд Самарқанддан чиқиб, Жом сари, Сизга, Жаноби олийлари охирги хатимда айтилган таркибда юришни бошлади. Мен тарафдан фақат бир ўзгартиш - 2 енгил қурол-яроғ ўрнига, дивизионни бутунлай жалб этиш киритилди.

Олдимизда турган ҳаракат билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб, Жомда ҳаҳира сифатида 2 рота пиёдаларни қолдиришни зарур деб топдим. Бу роталар 8-куни йўлга чиқади ва 6-батальонга

Абдумаликхоннинг Ибодобод шаҳридаги қабр тоши.

лар лашкари билан жангга киришади. Шаҳрисабзликлар жангда катта матонат кўрсатган бўлишига қарамай, қуроллар нисбатидаги устунлик руслар қўлининг баланд келишига сабаб бўлади. Шаҳрисабз лашкари тартиб билан чекинади.

Шаҳрисабзликлар «адабини бериб қўйиш» зарурати ҳарбий ҳаракатларни давом эттиришни тақозо этади ва генерал Абрамов отряди тоғ довонидан ошиб ўтиб, бекликнинг водий қисмига тушади. Шаҳрисабз ва Китобни олиш учун амалга оширилган босқинчилик уруши кундалиги бундан 130 йил муқаддам генерал-майор Абрамов томонидан битилган эди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, Шаҳрисабз ва Китобни истило этиш Туркистон Генерал губернатори Кауфманнинг мунтазам назоратида бўлиб, қўмондон Абрамов уни ҳарбий ҳаракат режаси, татбиқ этилиш натижалари билан батафсил таништириб борган. Бунинг сабаби шунда эдики, 1868 йил ёзида Шаҳрисабз ва Китобнинг 25 минг кишилик лашкари Жўрабек ҳамда Бобобек бошчилигида Самарқанддаги рус гарнизонини 8 июнга қадар зир титратган эди. Кауфманнинг ҳарбий вазирга 1868 йил 12 июнда ёзган 215-сонли маълумотномасида бу ҳақда жумладан, шундай эътироф мавжуд: «Қалъани (Самарқанд-муал.) қамал қилган душман тўдаси Жўрабек ва Бобобек (булар тоғлик одамлар бўлиб, фавқулодда жасур ва бениҳоя мерган ҳисобланадилар) етакчилигида келган шаҳрисабзликлардан иборат эди».

«Фавқулодда жасур ва бениҳоя мерган» шаҳрисабзлик ва китоблик ватанпарварлар устига тиш-тирноғига қадар қуролланган қўшин билан борар экан, қўмондон Абрамов ҳар бир қилган хатти-ҳаракатини энг майда тафсилотларига қадар Кауфманга ёзма равишда маълум қилиб туради.

Шаҳрисабзликлардан ҳадиксираш, шубҳасиз, катта доирада бўлиб, бу юришга алоҳида синчковлик билан эътибор берилганлигини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Энди генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи Қўмондонига 1870 йилнинг 31 августда ёзган маълумотномасидан айрим ўринларни келтириб ўтамиз. Зеро, босқинчиликнинг нечоғлик андишасизлик билан амалга оширилиши ҳақида бевосита шу қонли иш ижрочисининг ўз сўзларини мушоҳада этиш аниқ хулосаларга келишда беқиёс аҳамият касб этади, албатта.

«1) 3 август кунида:

7-куни эрталаб барвақт юришни бошлайман. Бош гуруҳ қуйидаги таркибда бўлади: 3-линия батальони тўласинча, 3-батареянинг 6 тўпи, 2-енгил қуролланган отлиқ дивизион, 6 ракета мосламаси ва 200 казак.

Бу гуруҳ 8-куни Жомга етиб келади. 9-куни Жомдан чиқиб, Қашқадарё водийсига тушиб, Шар (Шаҳрисабз-муал.) кўринадиган жойда тунни ўтказади. 11-куни мўлжалга олиш ва шаҳарларни зарб этиш билан боғлиқ зарур топшириқларни бажариш билан банд бўлишади. 12-куни, агар бирор-бир жиддий мушкулот чиқиб қолмаса, шаҳарларни эгаллаш.

Подполковник Соковнин бошчилигидаги 9-батальон-бириктирилади.

...Отрядим жуда қониқтирарли (1300 киши) таркибда ва жуда яхши таъминланган. Умид қиламанки, Жомда турадиган заҳирадаги 2 ротага ҳам зарурат бўлмайди.

Подполковник Соковнин, олдиндан белгилаб қўйилганидек, 9-куни чиқади, унда 600 га яқин одам бор.

3) 12 август кунида:

9 август куни Жомдан чиқиб, тоғ йўлидан яхши ўтдик.

Водийга етиб, мен олдин ўйлаганимдек, Шарга эмас, тўғри Китобга Шаҳрисабз тоғининг жанубий ёнбошидаги йўлдан кетдим. Отряд йўналишидаги ўзгариш мен томонимдан кўпгина сабабларга кўра амалга оширилди, улардан энг асосийси, Шаҳрисабзга олиб борадиган адир йўлининг ноқулайлиги эди. 11-куни мен Китобга яқинлашиб келдим ва Урус қишлоғидан Қоратепага олиб борадиган тўғри йўл бўйида тўхтадим. Бу жой Китоб муқобиласидаги шаҳар деворидан 2,5 чақирим (Китоб ва Шар бир умумий девор билан ўралган) келади».

Шаҳрисабз ва Китобни босиб олиш тафсилоти генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Кауфманга 1870 йил 31 августда ёзган 591-рақамли билдиришномасида ўз аксини топган дейиш мумкин:

Сиз жанобий олийларининг буйруғингизга мувофиқ, Шаҳрисабз бекларига қарши ҳаракат қилиш учун Зарафшон округи қўшинларидан «Шаҳрисабз» деган умумий ном остида гуруҳ (отряд) шакллантирилди. Шаҳрисабзга қарши ҳаракатда ва Зарафшон водийсидан Шаҳрисабз водийсига юришда умумий қулай бўлсин учун ҳаракатдаги гуруҳни икки қисмга (колонна) ажратдим, улардан бирини Жом ва Жом тоғи орқали ўтадиган айланма йўлга, бошқасини эса тўғри Қоратепа тоғига томон жўнатдим, шундай вақт ҳисоби билан ки, токи ҳар иккала гуруҳ Шаҳрисабз водийсига бир вақтда етиб келсин.

Шаҳрисабз гуруҳи таркибига: 3-Туркистон чизиқ батальонининг ҳаммаси, 9-батальоннинг 4 та ротаси, 3-батареянинг 6 тўпи, Оренбург казаклар полкининг 3-отлиқ дивизиони, 2 тоғ тўпи, ракета батареяси, Оренбург казаклар полкининг 200, Сибир казак полкининг 150 жангчиси киритилди. Гуруҳ ўзи билан 10 кунлик озиқ-овқат заҳираси ва 1,5 ҳажмда ўқ-дори мажмуаси ва артеллерия ўқловлари олган эди. Жом орқали ўтувчи гуруҳ араваларда, сўлдан, Қоратепа тоғ йўлидан юрувчилар эса туяларда эди. Бунинг устига Самарқанддан ўнг гуруҳга заҳира сифатида Жомга 6-батальоннинг икки ротаси юборилди. Улар ҳаракатдаги гуруҳнинг Жомдаги заҳира озиқ-овқатлар омборини қўриқлаб турдилар.

(Боши ўтган сонда. Давоми бор.)

ЭЪЛОН

«Хон-бегим» хусусий фирмаси ҳужжатлари Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2000 йил 31 январдаги ажрими билан банкрот деб эълон қилиш учун қабул қилинганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши 2000 йил 16 феврал куни ўтказилади. Даъволар билан Юнусобод туман солиқ инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Амир Темур кўчаси, 95-уй. Тел: 137-51-75.

БУВИ, Э-ХОЛА, КЕЧИРАСИЗ...

Жумақул бозор расталарини айланиб юриб, бир ёши ўтган европалик аёлга туртиниб кетди:

- Кечирасиз бувижон!

- Буви! Э, маданиятсиз, қанақасига мен сенга буви бўлай, безбет, - деб ўдағайлади аёл.

Жумақул елка қисиб нари кетди. Бундан сўнг тағин бир ўзбек аёлига нохас тўғаноқ бўлди:

- Кечирасиз, яхши қиз, кўрмай қолибман.

Аёл жизғанак бўлиб қичқирди.

- Уятсиз, онанг тенги одамману «яхши қиз»ингга бало борми? Шилқим.

Жумақул яна ҳайрон. Бозордан чиқиб автобусга ўтираётганда тағин бир аёлнинг оёғини босиб олди. Бироз чайланиб турди-да, шошилиб деди:

- Кечирасиз, буви-хола-қиз...

ОВҚАТ ИССИҚ, ЭҲТИЁТ БЎЛ ДЕГАНДИМ-КУ!

ПАҲЛАВОН

Жума полвон қариганда даврадошларига ҳасрат қилибди:

- Ёш билан қўшилиб, қувват ҳам кетар экан, илгариги полвонлик энди йўқ...

Четда мудраб ўтирган Норқобил пиёниста гапга қўшилибди:

- Фарқимиз ҳам шунда-да, полвон, кучим бор деб ҳеч кимга даврани бермасдинг, мана ахволинг... Бизда эса куч-қувват аввалгидек... ёшлигимда ҳам хотинимга кучим етмасди, ҳозир ҳам.

Шерзод ҚИЛИЧЕВ тўплади

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Сирдарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси ва вилоят ФҲДЁ бўлимлари жамоаси Ховос тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Ирсалиева Саодат Ўрозбековнага қизлари САЙЁРанинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ShAMS-QAMAR-ISLOM» масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, генерал Ғофуров кўчаси, 166-уй.

БИЛАСИЗМИ?

НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИНГ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Ҳар йили декабр ойи кунларида Нобел мукофотларини топшириш тантаналари бўлиб ўтади. 1999 йилги Нобел мукофотига физика соҳасида Жеродус Т.Хоофт, Мартинус Ж.Г.Велтман (Голландия), кимё соҳасида Аҳмад Завайл (Миср-АҚШ), тинчлик мукофотига «Шифокорлар чегара билмайди» ташкилоти сазовор бўлди. Ҳар бир соҳа бўйича мукофот миқдори 7,9 миллион крон (1 миллион доллар)га тўғри келди.

Хўш, Алфред Нобел ким бўлган, мукофот учун маблағ қаердан олинади, нега у Нобел мукофоти деб айтилади?

Алфред Швецияда истеъдодли тадқиқотчи Эммануэл Нобел оиласида дунёга келди. Отаси ўғлининг ўқиши учун маблағни аямади. Ёшлигидан тиришқоқ ва уқувли Алфред 17 ёшидаёқ бешта чет тилини мукаммал ўрганиб олди.

У акалари Людвиг ва Роберт билан бирга Россия (Алфред 9 ёшлигида Нобеллар оиласи Санкт-Петербургга кўчиб келган эди) қурол-яроғларни такомиллаштириш, нефт қазиб олиш бўйича бир қатор янгиликларни ихтиро қилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этди. 1863 йилда Алфред Швецияга қайтди. У Россияда ўзининг дастлабки учта ихтиросига далолатнома (патент) олишга улгурганди.

Ниҳоятда тиришқоқ ва меҳнатсевар, ғоят истеъдодли тадбиркор Алфред Нобел 1896 йилда Италияда вафот этади. Бу вақтда у 355 та патентга эга эди, демак, шунча ихтироси учун ҳужжат олганди. Шунингдек, унинг жаҳондаги 20 та мамлакатда 90 та корхонаси ишлаб турарди.

Васиятномага биноан, Алфред Нобелга тегишли корхоналарни сотишдан тушган маблағлар қимматли қоғозлардан иборат махсус жамғармага жойлаштирилди. Ундан олинадиган фоиз миқдори ҳар йили мукофотлар тури бўйича 5 та тенг бўлакка бўлинади ва инсоният учун физика, кимё, табобат (физиология) соҳаларида алоҳида муҳим иш қилган янгилик яратган кишиларга, шунингдек, адабиёт соҳасидаги энг яхши асар муаллифига бериб борилади. Халқаро ҳамкорликка, қурол-яроғларни қисқартиришга кўмаклашган кишиларига бериладиган тинчлик мукофоти ҳам бор.

Мукофотга номзодларни жаҳоннинг энг машҳур олимлари, аввалги йиллар Нобел мукофоти лауреатлари тавсия этишади. Беш кишидан иборат ҳар бир Нобел мукофоти қўмитаси (улар сони бешта) ҳам номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўз-ўзининг номзодини кўрсатишга ёки шунга бошқаларни ундашга мутлақо йўл қўйилмайди. Мукофотларни белгилашга Швеция ва Норвегия ҳукуматлари ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайдилар.

Мукофотлар ҳар йили Алфред вафот этган кун - 10 декабрда топширилади, тантаналар Стокголм марказидаги концерт залида бўлади. Лауреатларга мукофотларни Швеция қиролининг шахсан ўзи тақдим этади. Худди шундай тантана Осло ратушасида ҳам бўлиб ўтади. Бу ерда Нобел тинчлик мукофоти топширилади.

Мукаррам ЖАЛИЛОВА тайёрлади

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-130 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.